



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 34 (12.595)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Ёш авлодни жисмонан соғлом, маънан етук, ҳар жиҳатдан баркамол инсонлар этиб тарбиялаш халқимизга хос азалий фазилатлардандир.



Болалар спорти

ФАРЗАНДЛАРИ СОҒЛОМ ЮРТ

Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар, аввало, инсон манфаатлари, қолаверса, келажимиз эгалари – навқирон авлодни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашга йўналтирилгани билан аҳамиятлидир. Мустақам оила қуриш, соғлом зурриётни дунёга келтириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ёшларимизнинг жисмоний ва маънавий соғлом камол топиши, замонавий билимларни эгаллаши, ўз иқтисоди ва қобилиятини рўйбога чиқариши учун кенг имкониятлар яратиш борасидаги эзгу саъй-ҳаракатлар шулар жумласидан. Айниқса, баркамол авлодни тарбиялашнинг энг муҳим ва самарали омилли бўлган болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибор ва гамҳўрлик бу жараёнда халқ қилувчи ўрин тутмоқда.

Давлатимиз раҳбари жорий йил 28 январь куни Оқсаройда бўлиб ўтган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Хомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида таъкидлаганидек, ёшларни жисмоний ва маънавий жиҳатдан мунатосиб ривожлантиришга қаратилган тизимнинг йўлга қўйилиши ҳар томонлама тўғри бўлганини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда. Шаҳару қишлоқларимизда бунёд этилган замонавий спорт мажмуаларида болалар спорт билан мунтазам шуғулланиб, саломатлигини мустаҳкамламоқда. Соғлом, кучли, мард ва қатъиятли бўлиб камолга етмоқда.

Бугун катта ҳаётга дадил кириб келаётган мустақиллик фарзандлари – халқимиз орзу қилган баркамол авлод вақилларидир. Улар ўз соҳалари бўйича мукаммал билим олган, замонавий ахборот технологияларини пухта ўзлаштирган, хорижий тилларни яхши биладиган, билимли, юк-

сак маънавиятли ва жисмонан соғлом ёшлардир.

Эсимда, мактабнинг кўйи синфларида ўқиб юрган кезларимизда «Бола ўқиси ёки спорт билан шуғулланиши керак. Ўқувчининг спорт машғулотига қатнаши унинг таълим олишига ҳалақат беради, спортчи эса билим шарт эмас», деган гап-сўзлар қуроққа чалинарди. Ана шундай қолоқ тушунчалар сабаб қанча-қанча тенгқурларимнинг спортга бўлган иштиёқи сўниб кетганига гувоҳиман.

Истиқлол йилларида спорт ва таълим-тарбия соҳасининг бир-бирига уйғун тарзда ривожлантирилиши ёшларнинг жисмонан соғлом, руҳан тётик, энг муҳими, ўз қарашларида собит, интеллектуал салоҳиятли, замонавий билимларни эгаллашга иштиёқи балинд ўғил-қизлар бўлиб улғайишига мустақам замин яратаётгани ҳаётда исботини топди. Натихада жисмоний тарбия ва спорт тарбиянинг муҳим мезони, таълим каби ўғил-қизларнинг кундалик ҳаётини ялқинди. Яхши таълим-тарбия қўрган ва спорт машғулотларида чиниқан ёшлар буюк ишларга қодир бўлишини бугун ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Болаларнинг севимли москани

Мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудда ёшларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиши учун замонавий талабларга жавоб берадиган шароит ва имкониятлар бор, бу борадаги ишлар кўлами тобора кенгайиб, сифат жиҳатдан яхшиланиб бормоқда.

Айни пайтда мамлакатимиздаги бир ярим мингдан зиёд болалар спорти иншоотларида ташкил этилган 65 мингдан ортиқ спорт секцияларида икки миллионга яқин бола спортнинг ўттиздан зиёд

тури билан шуғулланмоқда. Уларнинг 840 мингдан ортиги қизлардир. Қишлоқларда яратилган шароит туфайли спорт билан шуғулланаётган қишлоқ болаларининг сони 2003 йилдаги 14,7 фоиздан 2013 йилда 43 фоизгача, шу жумладан, қиз болалар улushi 17,8 фоиздан 37,9 фоизгача ўсди.

2013 йилда 113 спорт иншооти ва сузиш хавзаси қуриб, ишга туширилди. Жисмоний тарбия дарслари қандай ўтилиши ёдимда, – дейди пойтахтлик Нодир Қозқобоев. – Мактабимизда футбол, баскетбол, волейбол тўплари бўларди. Лекин уларни бизга беришмасди. Жисмоний тарбия ўқитувчимиз «Сизларга тўпни берсам, комиссия келганда нимани кўрсатаман?», дерди. Номлоқ ота-онамиз тушлик ва йўлқира учун берган пулларга тўп сотиб оларди. Бу тўп ҳеч қанча муддатга чидамасди.

Бугун бу гаплар болаларга эртақдай туюлади. Чунки мамлакатимиздаги умумтаълим мактабларининг саксон фоиздан ортиги янгидан қурилган ва реконструкция қилинган спорт залларига эга. Юртимиздаги коллеж ва лицейлар замонавий жиҳозланган спорт заллари билан тўлиқ таъминланган. Ўқув муассасаларидаги жисмоний тарбия дарслари ҳам белгиланган жадвал ва меъёрлар асосида ўтказилмоқда. Болалар дарсдан ташқари бўш вақтларини асосан спорт мажмуалари, сув ҳавзалари, гимнастика марказлари, спорт заллари ва манежларда ташкил этилган спорт секцияларида ўтказмоқда.

– Спорт иншоотларида болаларнинг спорт билан шуғулланиши учун барча ша-

роит яратилаётгани уларга қизиқиб келувчи ёшлар сафи тобора ортиб бораётганида ҳам яққол ифодасини топмоқда, – дейди Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ижрочи директорининг ўринбосари Акмал Бобонов. – Спорт объектларига берилган ҳар бир инвентарнинг яроқлилиқ муддати бор. 2003-2012 йилларда фойдаланишга топширилган спорт иншоотлари ва мактаб спорт залларидаги яроқлилиқ муддатини ўтаб бўлган жиҳозлар ўрнига қайта жиҳозлаш дастури асосида 62 турдаги қарийб 10 миллиард сўмлик спорт инвентарлари ва ускуналари тарқатилди.

Бугун нафақат пойтахтимиз ва вилоятлар марказларида, балки туман ва чекка қишлоқларда ҳам ўқувчиларнинг ўзлари истаган спорт тури билан шуғулланиш имконига эга бўлаётгани болалар спортининг умуммиллий ҳаракатга айланганидан далолат беради.

Навий вилоятининг Учқудук туманидаги 3-умумтаълим мактабида бир анъана бор. Бу таълим муассасаси ўқувчиларнинг деярили барчаси бўш вақтини спорт, санъат, рақс ва турли фанлар бўйича ташкил этилган тўғрақларда ўтказиши.

(Давоми 4-бетда)

роит яратилаётгани уларга қизиқиб келувчи ёшлар сафи тобора ортиб бораётганида ҳам яққол ифодасини топмоқда, – дейди Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ижрочи директорининг ўринбосари Акмал Бобонов. – Спорт объектларига берилган ҳар бир инвентарнинг яроқлилиқ муддати бор. 2003-2012 йилларда фойдаланишга топширилган спорт иншоотлари ва мактаб спорт залларидаги яроқлилиқ муддатини ўтаб бўлган жиҳозлар ўрнига қайта жиҳозлаш дастури асосида 62 турдаги қарийб 10 миллиард сўмлик спорт инвентарлари ва ускуналари тарқатилди.

Бугун нафақат пойтахтимиз ва вилоятлар марказларида, балки туман ва чекка қишлоқларда ҳам ўқувчиларнинг ўзлари истаган спорт тури билан шуғулланиш имконига эга бўлаётгани болалар спортининг умуммиллий ҳаракатга айланганидан далолат беради.

Навий вилоятининг Учқудук туманидаги 3-умумтаълим мактабида бир анъана бор. Бу таълим муассасаси ўқувчиларнинг деярили барчаси бўш вақтини спорт, санъат, рақс ва турли фанлар бўйича ташкил этилган тўғрақларда ўтказиши.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Самарқанд олий ҳарбий автомобиль кўмондонлик-муҳандислик билим юртида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларни уйлари-га кузатиш маросими ўтказилди.

● Фарғона вилоятида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш организи ходимлари малакасини ошириш бўйича ўқув курслари ташкил этилди. Унда фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, фуқаролар йиғинлари масъул котиблари ва «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмалари раҳбарлари иштирок этаётди.

● Нукус хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида ёшлар бандлигини таъминлаш, уларни тadbиркорликка жалб этишга бағишланган тadbир бўлиб ўтди. Унда коллеж ўқитувчилари, ишлаб чиқариш амалиёти ус-талари, ўқувчилар ва ота-оналар иштирок этди.

● Самарқанд шаҳрида «Иқтидорли ёшлар – қудратли мамлакат таянчи» мавзусида ёшлар билан учрашувлар ўтказилди. Вилоятнинг турли ҳудудларидан келган ёшлар дастлаб Самарқанд автомобил заводи ва бу ерда меҳнат қилаётган тенгдошлари фаолияти билан яқиндан танишди. Бир неча русумдаги замонавий ав-тобус ва юк машиналари ишлаб чиқарилаётган мазкур корхонада меҳнат қилаётган беш юз элликдан ортиқ ишчининг аксарияти ёшлардир. Ҳар йили 20-25 нафар коллеж битирувчиси заводга ишга қабул қилин-моқда.

● Наманганда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши-нинг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Анжумау доирасида ёш тadbиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўргазмаси ташкил этилди.

ЖАҲОНДА

● Жанубий Африка Республикасидаги ташландиқ олтин конларидан бирида ноқонуний ишлаётган ишчи-лар гуруҳи ер остида қолиб кетди. Тезкор кўрилган чора-tadbирлар на-тижасида кончилардан 30 нафари-нинг ҳаёти сақлаб қолинган. Аммо ер остида яна 200 нафар ишчи бор. Му-тахассислар уларни қутқариш чора-ларини кўришмоқда.

● 2013 йилнинг сўнги чорагида ягона валюта бирлигига аъзо мам-лакатлар иқтисодийёти аввалги йил-нинг шу давридаги нисбатан 0,3 фоиз ўсди. Бунда бир қатор давлат-ларда ялпи ички маҳсулот ҳажми юк-салгани муҳим аҳамият касб этди. Жумладан, Германияда 0,4, Франция, Испания, Австрияда 0,3, Италияда 0,1 фоиз ўсиш қайд этилган.

● Лондондаги «Christie's» аукцио-нида таниқил рассом Фрэнсис Бэкон асарларидан бири 69,3 миллион АҚШ долларига сотилди. 1966 йилда яра-тилган, «Жорж Дайернинг гапирёт-ган портрети» дея номланган ушбу асар рессомнинг сўнги ўн йил ичи-да савдога қўйилган энг машҳур ижод намуналаридан бири ҳисобла-нади. Аукцион аввалида мазкур кар-тина 50 миллион АҚШ долларига ба-ҳолаганди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ИЛМИЙ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасида олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш чора-тadbирларини амалга ошириш истиқболлари мавзусида анжуман бўлиб ўтди.

Унда парламент қўйи палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Олий аттестация комиссияси вақиллари, мутахассислар, ёш олимлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчи-лик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси А.Маматов, олий ва ўрта мах-сус таълим вазирининг ўринбосари Б.Усмонов, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси ижро аппарати раҳбари О.Парпиев ва бош-қалар Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида таълим ва илм-фан тизимини ислоҳ этишга йўналти-рилган исчил ислохотлар ёшларга жаҳон андозалари даражасида таълим бериш, уларнинг интеллектуал са-лоҳиятини юксалтириш, замонавий технологияларни чуқур эгаллашига кўмаклашиш ҳамда илм-фан соҳаси-ни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этаётгани-ни таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 24 июлда қабул қилинган «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтиришда дастуруламал бўлаётди.

Фармонга асосан мамлакатимизда илмий кадрларни ат-тестациядан ўтказишнинг халқаро миқёсда тан олинган та-лабларга мос келадиган, фан доктори илмий даражасини олиш учун тўғридан-тўғри докторлик диссертациясини ҳимоя қилишни назарда тутувчи олий ўқув юртидан кейин-ги таълимнинг бир босқичли тизими жорий этилди.

Олий ўқув юртидан кейинги таълимга қўйиладиган талабларга мувофиқ катта илмий ходим-изланувчи ин-ститутли жорий этилди. Иқтидорли ёшларни илмий фа-олиятга жалб этиш мақсадида бакалавр дипломига эга бўлиб, камиди беш йил амалий иш стажига эга бўлган мутахассисларга мустақил изланувчи тартибида фан доктори илмий даражасини олиш учун илмий фаолият билан шуғулланишга имконият яратилди.

Ушбу фармоннинг қабул қилиниши ва амалиётга тат-биқ этилиши соҳадаги қонунчиликни янада такомил-лаштиришни тақозо этди ва бир қатор қонун ва кодексл-ларга тегишли ўзгаришлар киритилди.

Тadbирда олий ўқув юртидан кейинги таълим тизи-минини тубдан ислоҳ этиш, илмий тadbирлар сифати-ни ошириш ва ишлаб чиқариш билан узвийлигини таъ-минлаш, иқтидорли ёшларнинг ижодий-интеллектуал салоҳиятини намоён этишга шароит яратиш, инно-вацион иқтисодийётни ривожлантириш, бу йўналишдаги ҳуқуқий асосларни янада такомиллаштириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎЗА муҳбири

Мамлакатимизда олиб борилаётган бюджет ва солиқ соҳаларини либераллаштириш жараёнлари иқтисодийимизнинг барқарор ривожланиши ва аҳоли фаровонлиги ошишида муҳим омил бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, жорий йилда ҳам солиқ юқини янада камайтириш, жумладан, юридик шахслар учун фойда солиғи ставкасини 9 фоиздан 8 фоизга, жисмоний шахслар учун энг кам солиқ ҳажминини 8 фоиздан 7,5 фоизга тушириш иқтисодийимиз ривожига катта аҳамият касб этади.

Бундай солиқ энгилликлари 130 миллиард сўмдан ортик маблағни таъминлаш ва уни корхоналар ихтиёрида қолдириб, уларнинг ўз айланма маблағларини кўпайтириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик янгиллаш, шунингдек, аҳоли даромадларини 90 миллиард сўмдан кўпроқ ошириш имконини беради.

ЎЗА МУХБИРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ КўМИТАСИ СОЛИҚ СОЛИШИ МЕТОДОЛОГИЯСИ БОШҚАРМАСИ БОШЛИГИ АБДУРАИМОВ ФАҲРОВ БИЛАН СУХБАТИ СОЛИҚ СОҲАСИДАГИ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ МОЖИЯТИ ВА АҲАМИЯТИ ХУСУСИДА БўЛДИ.

— Жорий йилда ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ишлари изчил давом эттирилмоқда, — дейди А.Фахоров. — Бу борада Президентимиз Ислон Каримовнинг 2013 йил 25 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги асосий макроеқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджетни параметрлари тўғрисида»ги Қарори муҳим дастуруламал бўлиб, шу асосда тадбиркорлик фаолияти учун шарт-шароит тақомиллаштирилиб, ишбилармонлик муҳити янада яхшиланди.

Мазкур ҳужжатта мувофиқ юридик шахслардан олинандиган фойда солиғи ва жисмоний шахслардан олинандиган даромад солиғи ставкаларининг пайсантирилиши билан бир қаторда, бошқа аҳоли пунктлари, жумладан, қишлоқ жойларда газета, журнал ва китоб махсусотлари билан чакана савдо қилувчи яқна тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқ ставкаси 2014 йил 1 январдан бошлаб, энг кам иш ҳажининг 2 баробаридан 0,5 бараварига пайсантирилди. Ушбу солиқ ставкаси йил бошида амал қилган энг кам иш ҳажми миқдоридан келиб чиқиб аниқланиши ва йил давомида энг кам иш ҳажми миқдори ўзгарган тақдирда ҳам қайта кўриб чиқилмаслиги белгиланган бўлиб қўйилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 26 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига ўзгартирилган қўрсаткичларга»ги Фармонига биноан хўжалик юритувчи субъектларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, уларни ривожлантириш мақсадида айрим солиқ имтиёзлари мудиатлари узайтирилди. Жумладан, уй шароитида халқ бадийи ҳунармандлиги ва амалий санъати буюмлари ишлаб чиқарадиган яқна тартибдаги тадбиркорлар ва оилавий корхонага белгиланган солиқ имтиёзлари 2017 йилнинг 1 январига, меҳнат шартномаси асосида касаначиларга тўланадиган маблағларга тенг миқдорда меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан яна

ижтимоий тўловни тўлашдан озод қилиш 2019 йилнинг 1 январига узайтирилди.

— «Солиқ ва бюджет сийбосининг 2014 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинган солиқ кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун асосида тадбиркорлик субъектларига қандай энгилликлар яратилди?

— Утган йил декабрь ойида қабул қилинган мазкур қонун 2014 йилга мўлжалланган солиқ сийбоси тақомиллаштиришга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларини ижро этиш юзасидан, шунингдек, бир қатор қонун ҳужжатларининг нормаларини бир хил қўллаш учун уларни аниқлаштириш мақсадида хизмат қиладди. Унда солиқ солиш тизимини соддалаштиришга, маҳаллий бюд-

Янги қонун кучга кирди
СОЛИҚЛАР ТАРАҚҚИЁТГА
ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

жетларининг даромадлар қисмини мустаҳкамлашга ва солиқ маъмурчилигини тақомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Солиқ кодексининг 114-моддасига киритилган ўзгартиришга кўра, товарлар, ишлар, хизматларни реализация қилишдан тушган тушумини яшириш ёки камайтириб кўрсаткичларни қўллашдан тўловчи молиявий жарима ушбу яширилган ёки камайтириб кўрсатилган сумманиннг йигирма фоизи миқдорига белгиланди. Аввал бундай жарима миқдори юз фоизни ташкил этган.

Бундан ташқари, эндиликда яширилган ёки камайтириб кўрсатилган суммага нисбатан қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш амалга оширилди. Мазкур янгилик бир томондан, умидсиз солиқ қарзи пайдо бўлишининг олдини олса, иккинчи томондан, солиқ тўлашдан қасддан бўйин товлаётган шахсларга нисбатан жавобгарлик чораларини янада тақомиллаштирди.

Солиқ кодексига киритилган яна бир ўзгартириш билан ягона ер солиғи тўловчилар давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этилди.

— Солиқ кодексига киритилган «Бюджетдан ташқари умумтаълим мактаблари, касб-хўналар коллежлари, академик лицейлар ва табибейт муассасаларини реконструкция қилиш, муҳаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар» деб номланган янги бўлимнинг моҳиятига тўхталиб ўтсангиз.

— Бундан қўзғалган асосий мақсад аҳоли, айниқса, ёш авлод манфаатлари муҳофазасини кучайтиришдир. Чунки Бюджетдан ташқари умумтаълим мактаблари, касб-хўналар

коллежлари, академик лицейлар ва табибейт муассасаларини реконструкция қилиш, муҳаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси ана шундай хайрли мақсадларни амалга ошириш учун ташкил этилган.

Янги бўлимда мазкур жамғармага мажбурий ажратмаларни тўловчилар, солиқ солиш объекти, солиқ солинадиган база, солиқ даври, ҳисобот даври, мажбурий ажратмаларни ҳисоблаб чиқариш, ҳисоб-китобини тақдим этиш ва тўлаш тартибини ўз ичига қамраган меъёрлар акс эттирилди.

Аниқроқ айтганда, ушбу жамғармага ажратмаларни тўловчилар Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган юридик шахслардир.

Ақсарият юридик шахслар учун соф тушум жамғармага мажбурий ажратма учун солиқ солиш объекти ва солиқ солинадиган база ҳисобланади. Айрим даромадлар, жумладан, ҳаётини сугурта қилиш соҳасига тааллуқли шартномалар бўйича сугурта мукофотлари ёки бадаллари, қайта сугурта қилиш шартномалари бўйича топширилган тўловлар суммалари каби даромадлар солиқ солиш объекти ҳисобланмайди.

Солиқ тўловчилар турли солиқ солиш объектига эга бўлган ҳолларда, улар бунинг алоҳида-алоҳида ҳисобини киритиши зарур ва тегишли объектидан келиб чиққан ҳолда жамғармага мажбурий ажратмаларни тўлаши шарт.

Бу каби меъёрлар ҳамда мажбурий ажратмаларни ҳисоблаб чиқариш, уларнинг ҳисоб-китобини тақдим этиш ва тўлаш тартибининг Солиқ кодексига жамланган ҳолда акс эттирилган нафақат солиқ тўловчилар, балки соҳа ходимлари учун ҳам катта қўлайлик яратди. Чунки бунгача ушбу йўналишда қонуности ҳужжатлари асосида иш олиб борилган.

Бир сўз билан айтганда, ушбу қонун солиқ соҳасига оид кўплаб янгиликларни ҳаётга жорий этишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиши билан бирга, юрдошларимизнинг турмуш фаровонлигини ошириш, уларни уй-жой билан таъминлашга қўлайликлар ҳам яратди. Чунки давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 3 августда қабул қилинган «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши қўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорида белгиланган меъёрлар Солиқ кодексига ҳам акс эттирилди.

Унга кўра, юридик шахсдан — иш берувчидан ёш оилалар аъзолари томонидан уй-жой олиш учун олинган маблағлар, шунингдек, тегишли банклар томонидан ушбу мақсадлар учун бериладиган ипотeka кредити бўйича бошланғич бадал сийбосида қишлоқ қишлоқ томонидан олинган маблағлар жисмоний шахсларнинг даромади сийбосида қаралмаслиги белгиланган бўлиб қўйилди. Бу ана шу маблағлар солиққа тортилмаслигини билдиради.

Шу билан бирга, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича яқна тартибда уй-жой қуришга кредитлар берадиган банклар рўйхати кенгайтирилди.

Бундан кўриниб турибдики, миллий қонунчилигимиз асослари халқнинг фаровон ҳаёти, жамият раванкини кўзлаган ҳолда тақомиллаштириб, муҳаммаллаштириб бормоқда. Уларнинг амалий ижроси ўз вақтида, тўлақонли таъминланиши мамлакатимиз тараққийига хизмат қиладди.

Норгул АБДУРАИМОВА
суҳбатлашди

Миробод тумани ҳоқимининг ҚАРОРИ

МИРОБОД ТУМАНИДА
2014 ЙИЛДА ҲАҚ
ТўЛНАДИГАН ЖАМОАТ
ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ
ЭТИШ ТўҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонун

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Аҳборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 97-модда; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 25-26-сон, 225-модда; 2009 й., 52-сон, 553-модда) 17-моддасига ҳамда

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 июлдаги «Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил қилиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги

(Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1999 й., 7-сон, 40-модда; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўлами, 2002 й., 5-6-сон, 46-модда) 353-сон қарори ижросини таъминлаш, иш қидираётган шахс сийбосида туман Бандлик-ка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказида рўйхатга олинган фуқароларни уларнинг вақтинча иш ҳақи олиши ва иш қидираётган даврида моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, марказ томонидан «ишсиз» деб эътироф этилган фуқароларни вақтинча иш билан таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш, биринчи марта иш қидираётган ва касби бўлмаган шахсларни меҳнат фаолиятига жалб қилиш мақсадида,

қарор қиламан:

1. Миробод туманида 2014 йил учун ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этувчи корхона ва ташкилотлар рўйхати иловага асосан тасдиқлансин.

2. Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этувчи корхона ва ташкилотлар раҳбарларига:

иловада қайд этилган ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш таъминлансин;

жамоат ишларига жалб қилинган фуқаролар меҳнатига ҳақ тўлаш харажатларининг, маҳаллий давлат ҳоқимияти органларига қаршали корхона ва ташкилотлар бўйича 50 фоизи иш берувчилар маблағлари ва 50 фоизи иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан;

бошқа корхона ва ташкилотлар бўйича 75 фоизи иш берувчилар маблағлари ҳисобидан, 25 фоизи иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин;

туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази йўлланмаси бўйича ҳақ тўланадиган жамоат ишларига юборилган фуқароларнинг жамоат ишига қабул қилинганлиги тўғрисидаги маълумот 3 кунлик муддатда марказга ёзма равишда хабар қилинсин.

3. Туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази (Б.Бойтўраев):

корхона ва ташкилотлар раҳбарлари томонидан мазкур қарорнинг тўлиқ бажарилиши юзасидан қатъий назорат ўрнатилсин;

ҳақ тўланадиган жамоат ишларига юборилган ва иш билан таъминланган фуқаролар белгиланган тартибда ҳисобга олинсин.

4. Миробод тумани ҳоқимининг 2013 йил 30 июлдаги «Миробод туманида 2013 йилда ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш тўғрисида»ги 349-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга кирди.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳоқимининг ўринбосари О.Абдурахмонов зиммасига юклансин.

Туман ҳоқими
А. Ташходжаев

2014 йил 14 февраль

Қарорнинг илова қисми билан
Тошкент шаҳар ҳоқимлигининг
toshkent.uz сайти орқали танишиш
мумкин.

Қарор ва ижро

ЮРТ КўРКИ

Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг қўламли ободонлаштириш, бунёдкорлик ишлари самарасида шаҳар ва қишлоқлар тобора обод ва гўзал бўлиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 10 январда қабул қилинган «Республика аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини ташкил этишни тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори бу борадаги ишлар қўламини янада кенгайтиришда муҳим омил бўлаётди.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ташаббуси билан тозалиқ кўчаларни ўтказиш аънаънага айланган. Хусусан, пойтахтимизда ҳар шанба «Тозалиқ кун»и деб эълон қилинган. Ушбу тадбир давомида жойларда тўланган майиш қиқиндиларни ўз вақтида ташиб кетиш, ободонлаштириш ишларида уй-жой мулкдорлари ширкатлари ролин янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу йилги қиш фаслининг совуқ келиши, қор кўп ёққани аҳолига сийбосида коммунал хизмат кўрсатиши баробарида ҳудудларни ободонлаштириш билан боғлиқ тадбирларни узвий равишда ташкил этишни тақозо этди. Тегишли хизматларнинг ишчи-ҳодимлари йўллар,

қишнинг совуғи аста-секин чекиниб, кўклам яқинлашаётган шу кунларда юрдошларимиз қишлоқлар, маҳалла ва гузарлар, кўчалар, йўللар атрофини ободонлаштиришга киришмоқда.

кўчаларни қордан тозалаш борасида тизимли равишда иш олиб борди. Тозалиқ, ободонлаштириш ишларини изчил амалга ошириш ва бу ишларда кенг аҳолининг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг 15-16 феврал кунлари пойтахтимизда оммавий ҳашар ўтказилди.

«Маҳалла» хайрия жамоат фондидинг Тошкент шаҳар бўлиминдан маълум қилишларича, ҳашар барча маҳаллада уюшқоқлик билан ташкил этилди. Кўп қаватли уйларнинг йўлакларини, маҳаллалар ҳудуди ҳамда йўлларни қор ва яхма-лаклардан тозалаш, уларни ташиб кетиш учун Ободонлаштириш бош бошқармаси, «Махсустрас» корхонасининг транспортлари жалб этилди.

Ҳашар давомида олтмишдан ортик сержантов кўча тартибга келтирилиб, ҳудуди ободонлаштирилди. Савдо, майиш хизмат кўрсатиш ва умумий овқатланиш шохобчаларининг теварак-атрофи, бо-

зорда тозалиқ ишлари амалга оширилди.

«Маҳалла» хайрия жамоат фондидинг Ҳамза туман бўлими раиси ўринбосари Илхом Эшмуродовнинг айтишича, ҳашарда туман ҳудудида ўн саққиз минг нафардан кўпроқ аҳоли иштирок этди. Ҳашарчиларнинг асосий қисми бозор, табибейт ва таълим муассасалари ҳудудида иш олиб борди. Кўп қаватли уйларнинг йўлакларини, кўчалар, бекатлар, аҳоли гажум жойлар қиқиндилардан тозаланди.

Пойтахтимизнинг Бектемир туманида ҳашарчилар кўчаларни ободонлаштиришга асосий эътибор қаратди.

Ҳашарлар халқимиз ўртасида ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш билан бирга, ёшларда юрт ободлиги учун масъуллиқ ҳиссини кучайтириш, экологик муҳит барқарорлигини таъминлашга хизмат қиладди.

Баҳор ХИДИРОВА,
ЎЗА МУХБИРИ

МАҲАЛЛА ОБОДЛИГИ ЙўЛИДА

(Давомий. Боши 1-бетда)

Маҳаллада тадбиркорлик соҳасида муваффақиятли фаолият юритиб келаётган кўплаб ишбилармонлар истиқомат қиладди.

Ҳудудда жойлашган умумий овқатланиш объекти, новвойхона ва бошқа инфратузилма иншоотлари мамлакатимизда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш борасида яратилаётган шароит ва имкониятлардан унумли фойдаланишнинг яққол намунасидир. Масалан, қандолат махсусотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Ривож тортилари» шехи шу маҳаллада яшайдиган Раҳимовлар оиласи томонидан ишга туширилган.

— Келажақда банкдан кредит олиб, фаолиятини янада кенгайтирмоқчимиз, — дейди цех директори К.Раҳимов. — Жумладан, махсусотларимиз савдоси билан шуғулланадиган дўкон очишни режалаштирмоқчимиз. Мамлакатимизда тадбиркорлар учун кенг имкониятлар яратилаётгани, турли имтиёз ва преференциялар берилётганидан мамнунимиз.

Ешларни спорт билан шуғулланишга жалб этиш бўйича ҳам маҳаллада кенг қўламли ишлар амалга

оширилмоқда. Шу мақсадда сунбий қопламали футбол майдонига эга спорт мажмуаси бунёд этилди ва турли спорт тўғарақлари фаолияти йўлга қўйилди.

Маҳалла аҳли ҳудудни янада ободонлаштиришга жиддий бел боғлаган. Жумладан, бу ерда бошқарув майдончасини қуриш режалаштирилмоқда.

— Ҳар бир инсон эзгу ишларини амалга оширишга интилиши шарт, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси А.Қодиров. — Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунини маҳаллани тўлақонли маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идорасига айлантиришга имкон бермоқда. Соғлом бола йилида аҳоли бандлигини таъминлаш, ёшларнинг бўш вақтини мазмулли ўтказиш, тадбиркорликка оид илғор ғоя ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, оила, маҳалла ва таълим муассасаси ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш каби долзарб масалаларни амалга ошириш ишларини давом эттираемиз.

Ирина ДОЛЕНКО,
ЎЗА МУХБИРИ



«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компанияси хотин-қизлар кенгаши томонидан Республика Хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлигида ташкил қилинган семинар «Темир йўл тизимида хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилотлари иш фаолияти самарадорлигини ошириш» мавзусига бағишланди.

Анжуманлар
ХОТИН-ҚИЗЛАР
МАНФААТЛАРИ
ҲИМОЯСИ ЭЪТИБОРДА

Тадбирда соҳа мутахассислари, турли вазирлик ва идора-лар, бирлашмалар, жамоат ташкилотларининг бошланғич хотин-қизлар ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Юртбошимизнинг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони хотин-қизлар жамоат ташкилотларининг аёллар ҳуқуқларини ҳимоялаш, уларнинг сийбоси, ижтимоий, иқтисодий, маданий ҳаётдаги фаол иштирокини таъминлаш борасида муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Жумладан, темир йўл тизимида меҳнат қилаётган хотин-қизларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга хавфсиз ва қўлай хизмат-шароитларни яратиш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда. Аёлларнинг меҳнат ҳуқуқларини ўрганиш мақсадида ҳуқуқшунослар, соҳа мутахассислари иштирокида турли тадбирлар, учрашувлар ташкил қилинмоқда. Бу эса аёлларнинг сийбосий-иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий соҳадаги билимларини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Анжуманда хотин-қизлар бошланғич ташкилотларининг фаолиятини кучайтириш борасида ўзаро фикр алмишилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Э. Боситхонова иштирок этди.

Гулнор САТТОВА



Ёлқин Шамсидинов (Ўза) олган сурат

МУҚАДДАС БУРЧ

Мамлакатимиздаги тинч-осойишта ҳаёт – Президентимиз Ислам Каримов раҳнамалигида халқимиз эришган энг катта бойлик, барча ислоҳот ва ютуқларимизнинг бош омилidir. Уни кўз қорачиғидек асраш ҳар бир юртдошимизнинг муқаддас бурчидир.

Мамлакатимизда ёш авлоднинг қалби ва онгани зарарли гоҳ ҳамда мафқуралардан химоя қилиш масалаларида алоҳида эътибор қаратиш керак. Бу борада нафақат маънавият ва маърифат тизими вакиллари, балки ички ишлар идоралари ходимларига ҳам катта масъулият юкланган.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Мадаини саройида «Маънавиятга таҳдид – келажакка таҳдид» мавзусида ташкил этилган тадбирда шулар ҳақида ўз борини тоққоқ Навруз Фарзандларимизнинг маънавий оламини юксалтириш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш долзарб аҳамиятга эга экани таъкидланди. Бунда маҳалла профилактика инспектори хизматининг ўрни ва ролини янада кучайтириш муҳим ўрин тутди. Чунки профилактика инспектори нафақат жиноятчиликка қарши курашувчи, балки аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, воёга етмаганларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга қаратилган тадбирларни амалга оширишда ҳам фаол иш олиб боруши бўлмоғи лозим.

Айни пайтда мамлакатимизда 3,5 мингдан зиёд миллиция таянч пункти фаолият юритаётир. Уларнинг барчаси маҳалла фуқаролар

йигинлари фаоллари, оқсоқол, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла, маҳалла посбонлари каби тузилмалар билан ўзаро ҳамкорликда иш олиб бораётгани маҳаллалардаги муҳитни соғломлаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ана шундай сазъ-ҳаракатлар натижасида ҳар йили минглаб маҳаллада жиноят содир этилишига йўл қўйилмаётир.

Миллиция таянч пунктларининг ёнида турли тўғарақлар, кичик бизнес шохбачалари ҳамда спорт майдончалари барпо этилган ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга хизмат қилмоқда. Натижада воёга етмаганлар томонидан содир этилаётган жиноятлар йилдан-йилга камайиши кузатишмоқда.

Тадбирда соҳадаги ишлар самардорлигини янада ошириш, бевосита ёшлар билан иш олиб борувчи ходимларнинг маънавий ва маърифий маданиятини юксалтириш масалалари хусусида сўз юритилди. Олимлар, маънавият соҳасида фаолият кўрсатаётган тарғиботчилар бу борада эътибор қаратиши зарур бўлган жиҳатлар юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирди.

**Н.АБДУРАИМОВА,
Ўза мухбири**

Туғилган кун. Бу сўз нақадар жарангдор ва кишига ҳузур бағишлайди. Аммо, айрим ҳолатларда туғилган кунни яқин дўстлар ва қариндошлар орасида ҳаддан зиёд «қуюқ» ва «дабдабали» нишонлаш инсоннинг ўзи ва унинг яқинларига, шунингдек жамиятга ҳам катта зарар келтириб чиқариши мумкин.

Бу воқеа 2013 йилнинг 21 март кунини юз берди. Худди шу кунни Наврўз Аҳмедов 17 ёши қаршилади. Ушбу қувончли кунни у ўзининг ўртоқлари — 19 ёшли Санжар Қозиев, Аҳдам Тўйғунов ва поччаси Аҳром Ҳамидовлар билан нишонлашга аҳд қилди.

Авалло лавҳамиз қаҳрамонлари ҳақида тўхталиб ўтсак, Наврўз, Санжар ва Аҳдамлар Тошкент шаҳрида жойлашган касб-хунар коллежларидан бирининг 3-курсиди таҳсил олишди. Поччаси Аҳром Ҳамидов эса университетнинг 1-курсиди ўқиб, ташқи томондан қараганда, барчаси ҳаётда ўз ўринини топётган шахслар бўлиб кўринишади. Аммо, Наврўз, Санжар ва Аҳромлар оилада эрка ўсган ва ҳаётда барча нарсаларга енгиллик билан эришган эдилар. Аҳдам эса тўнғич фарзанд бўлиб, зиёлилар оиласида тарбия олаётганлиги ва ота-онаси томонидан юриш-туриши мунтазам назорат қилиб борилиши натижасида кўпма уларга қўшилмас, аммо дўстининг туғилган кунини бўлганлиги сабабли тадбирда иштирок этаётган эди.

Туртоволон шу кунини соат 17 ларда Чилонзор туманида жойлашган Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида учрашиб, 1,5 соатларча чамаси боғни айланиб, дам олдилар. Шундан сўнг истироҳат боғи ёнида жойлашган кафега кирдилар. Дастурхонга турли ноз-неъматлар тортилди. Туғилган кунни нишонлаш баҳонасида дастурхонда спиртли ичимликлар ҳам мавжуд эди. Улар орасида Аҳдам Тўйғуновгина спиртли ичимлик истеъмол қилмади. Бунинг учун уни турли гаплар билан камситдилар ва ҳатто Наврўзнинг туғилган кунидан хурсанд эмаслигини айтиб, ичкилик ичимокчи бўлдилар. Аҳдам умуман спиртли ичимлик ичмаслигини, ота-онасига бу ҳақда сўз берганлигини айтиб, улар сўради. Аммо камситишлар поёни кўринмагач, у руҳсат сўраб таҳминан соат 20 ларда уйига кетди. Бир оздан сўнг қолганларнинг кайфлари ошиб даврага чиқиб ўйинга тушдилар ва дам олиш максасида келган бошқа шахсларга халақит бера бошладилар. Бунинг кўрған кафе ходимлари улардан тартибга риоя қилишларини сўраганларда туғилган кунни нишонлаётганликлари, пулини тўлагандан сўнг нимани хоҳласалар шуни қилишларини билдирдилар.

Кафеда таҳминан соат 23 ларга қадар ўтириб, маст ҳолатга келганларидан сўнг уйга кетмоқчи бўлиб кўчага чиқдилар. Шу вақт меҳрибон почча қайинисининг туғилган кунини

муносабати билан тунги клубга ўзининг ҳисобидан боришини тақлиф этди. Бу тақлиф Наврўз ва Санжарга ҳам мойдек ёқиб кетди ва улар шаҳардаги тунги клублардан бирига қараб йўл олдилар.

Бу ерда ҳам улар турли ноз-неъматларга буюртма бердилар. Спиртли ичимликларни кўп миқдорда истеъмол қилганларидан сўнг барчаси кучли мастлик ҳолатига тушди ва уларнинг идора эта олмай қолдилар.

Мастликнинг оқибати албатта яхшилик билан тугамади.

Қинғир ишнинг қийғи

ЛОҚАЙДЛИК — ЭНГ КАТТА ИЛЛАТ

Наврўзнинг раққоса қизларга нисбатан шилқимлиги натижасида клуб кўриқчиси билан можабро чикди. Клуб кўриқчиси Азизбек босиқлик билан улардан чикиб кетишларини сўраб, бўлмас, ички ишлар ходимларини чақиргани маълуом қилди ва телефон томон юра бошладилар. Бундан хавотирга тушган учовлон Азизбекни ўртага олиб клуб ичиди дўпослаб бошладилар.

Азизбек уларга қаршилик кўрсатиб, дам олаётганларнинг тинчини бузмасликларини сўради ва ташқарига чиқилларини илтмос қилди. Бунини эшитиб, учовлон клубдан ташқарига чиқдилар ва яна Азизбекни ура бошладилар. Натижада Азизбек уларга қаршилик кўрсатиб, ўзини химоя қила бошладилар ва шу вақтининг ўзида Аҳром ва Наврўзга яхшигина жароҳат ҳам етказди. Шу вақт Аҳром доимо ёнида олиб юрадиган пичоғини чиқариб, Азизбекка ташландилар ва унинг қорин ва сон қисмига жароҳат етказди. Азизбек уйдабуронлик билан пичоқни тўқ қисмидан ушлаб, қўллари жароҳат олган бўлишига қарамасдан уни тортиб олди. Аммо кайфлари ошган Аҳром ва Наврўз унга яна ҳужум қилдилар, охири-оқибат Азизбек уларга пичоқ билан тан жароҳатлари етказди. Санжар воқеанинг бундай тус олишини кутмаган эди, кўрқиб кетганидан у дарҳол таксига ўтириб уйига жўнаб кетди. Тунги клубдагилар рўй берган воқеа ҳақида ички ишлар ходимларига

Ёш авлоднинг баркамол тарзда воёга етишида, улар таълим олаётган таълим масканининг ўрни катта. Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти қошидаги академик лицейда ҳам ўқув-тарбия жараёнини такомиллаштириш ва янги ноанъанавий усуллардан фойдаланиш кенг йўлга қўйилган.

ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИБ

Ўқув муассасасида ўқувчилар тўртта йўналиш бўйича аниқ ва табиий фанлардан сабоқ оладилар. Лицейда замонавий педагогик технологияларга асосланган ўқув хоналари ташкил этилган бўлиб, компьютер синфи, ахборот-ресурс маркази, кутубхона, спорт зали давр талабларига жавоб берадиган ўқув анжомлари билан жиҳозланган.

Бугунги кунда ўқув масканида 861 нафар ўқувчилар таълим олмақдалар, уларга 74 нафар умумтаълим фани ўқитувчилари сабоқ бериб келмоқда.

Ахборот-ресурс марказида 76 ўринли кироатхона, китоб сақлаш хонаси етти та компьютер, принтер, сканер, проектор ҳамда ксерокс билан таъминланган бўлиб, ўқувчиларга таълим жараёнида қўшимча дарсларда жуда асқотмоқда.

Ахборот-ресурс марказининг 13420 китобдан иборат китоб фонди 7463 та дарсликлар ва 647 ўқув-услубий қўлланмалар, 4219 та бадий ҳақда 26 турдаги газета ва журналлар билан ҳам таъминланган.

Академик лицейда 15 та фан тўғараги, 3 та бадий ҳаваскорлик тўғараги, 5 та спорт секцияси ўз фаолиятини олиб боради.

Бугунги кунда ўқувчиларнинг дарсдан ташқари вақтларини мазмунли ташкил этиш ва фан тўғарақларининг фаолиятга берилаётган эътибор тўғайли ёшлар қўллаб фан олимпиадаларида юқори ўринларни эгаллаб келмоқда.

Лицейга таширишимиз доирасида «Жаҳон ичра жаҳоний сиймолар» мавзусида бўлиб ўтган тадбирда иштирок этдик.

— Ўқув масканимизда ёшларда юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, уларни бой тарихий қадриятларимизга ҳурмат, миллий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадиди маънавий-маърифий ишлар самарадорлиги оширилиб, тадбирлар, учрашувлар мунтазам ўтказиб келинмоқда, — дейди академик лицейнинг ўзбек тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Шоира Ашурова. — Бундай маънавий-маърифий йўналишдаги тадбирлар ўқувчиларнинг онгу тафаккурини тегирлаштириш билан бирга, буюк алломаларимизнинг яратган ўлмас асарлари, бизгача етиб келган дурдона бой мерослари ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиш имкониятини беради.

«Жаҳон ичра жаҳоний сиймолар» адабий кечасида Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети доценти, филология фанлари номзоди Тоҳир Шермухамедов, катта ўқитувчилар Давлатёр Жумашев, Комилжон Досановлар ўзларининг қизиқарли чиқишлари билан тадбирнинг мазмунли ва мароқли ўтишини таъминлаб бердилар.

Ўқувчилар томонидан тайёрланган бадий композициялар барчага манзур бўлди.

Дарҳақиқат, ушбу ўқув масканида таълим тизимида замонавий ахборот-коммуникация технологияларни жалб этиш, таълим сифатини ошириш, иқтидорли ва ижодкор ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасида олиб борилаётган ишлардан ибрат олса арзийди.

Зафар НАЗАРОВ

МАКТАБДА СЕРМАЗМУН БАДИЙ КЕЧА

Сергели туманидаги 300-умумтаълим мактабиди буюк шоир Заҳириддин Мухаммад Бобур таваллудининг 531 йиллиги муносабати билан «Бобур — шоҳ ва шоир» мавзусида адабий кеча бўлиб ўтди. Унда улуг сиймонинг армонли шоҳ, юртидан айро тушган, ҳижрон азобидан қийналган ҳўқмдорга хос ўқинчлари адабий лавҳаларда намойиш қилинди.

— Адабий кечанинг шундай қизиқарли қилиб ташкил этилишида она тили ва адабиёт фани ўқитувчилари Дилором Ҳайдарова ва Саодат Сафаралиевалар анча излашни олиб борганлигини сезиш қийин эмас, — дейди мактаб директори Н. Камолова. — Албатта,

бундай тадбирларни уюштиришда она тили ва адабиёт услубий бирлашмаси мактабдаги услубий бирлашмалар ичиди энг илгор эканлигини яна бир бор намойиш қилишга эришди.

**Камолохон САМУҒАҚОНОВА,
300-мактаб ўқувчиси**

ҳабар берган эдилар. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ва тез ёрдам шифокорлари воқеа жойига етиб келдилар. Тан жароҳати олган уч нафар шахсга тиббий ёрдам кўрсатилиши натижасида оғир жароҳатланган Азизбек ва Аҳромларнинг ҳаёти сақлаб қолинди. Наврўзга ҳам тегишли тиббий хизмат кўрсатилди.

Бўлиб ўтган воқеа юзасидан ҳужжатлар расмийлаштирилиб, Азизбек, Аҳром ва Наврўзга нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Жиноят иши сўдга кўрилиб, бу уч нафар шахс ва жанжалда иштирок этиб, воқеа жойидан қўчиб қолган Санжарга нисбатан тегишли жазолар тайинланди. Биз бу ерда жиноят содир этган шахслар ва уларнинг жазоланганлиги ҳақида тўхталиб ўтдик. Энди ушбу жиноятнинг келиб чиқиш сабаблари, унинг оқибатлари ҳақида ҳам фикр юритмоқчимиз. Бунга албатта туғилган кун зиёфатидаги ортиқча ишлар, жумладан кўп миқдорда спиртли ичимлик истеъмол қилиш, ота-оналарнинг фарзанд тарбияси билан етарлича шугулланмаслиги ва назорат самарали ташкил этилмаганлиги сабаб бўлди. Аввало, фарзанднинг туғилган кунини оила даврасида нишонланади. Туғилган кунини фарзандлари ўртоқлари иштирокчида ўтказишни ихтиёр этган экан, ота-она бунга розилик билдириб, ушбу тантанани уйда нишонлаши мумкин эди. Ҳўп, ота-она фарзанднинг туғилган кунини кафедра нишонлашга руҳсат берган экан, нега воёга етмаган фарзанднинг спиртли ичимликлар истеъмол қилишига эътиборисиз қарайди?

Аслини олганда мактаб жиноятининг юз беришига аввало, биз ота-оналар сабабчимиз. Яъни фарзандимизнинг кимлар билан юриши, унинг жамиятда ўзини қандай тутиши билан қизиқмаймиз. Фикримизча, ўқиши ва турли харажатлари учун пул беришимиз, дарслик китоблар билан таъминлашимизнинг ўзи етарлидек, қолганини ўқув муассасаси қўла-дигандек туолади.

Бундан ташқари, ушбу жиноятнинг келиб чиқишига Наврўзнинг ўртоғи Санжар ва поччаси Аҳром ҳам асосий сабабчилардан биридир. Поччаси Аҳромнинг кафеда дам олиб, спиртли ичимликлар истеъмол қилганликлари камлик қилгандек, Наврўз ва Санжарни тунги клубга бошлаб боришини қандай тушунишимиз мумкин?

Қиссадан хисса шуки, жиноятчиликка қарши кураш фақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг эмас, балки барчанинг иши эканлигини, ҳар биримиз қилаётган ишимизни бошлашдан олдин ўйлаб, кейин амалга оширсак, ёнимиздаги шахсларнинг ёмон йўлларга кириб кетишининг олдини олсак, вайдон амри ила ўзимизнинг фуқаролик бурчимизни бажарган бўламиз.

**Абдуқодир ДОНАЕВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси ташкилий-назорат ва таҳлилот бўлими катта прокурори
Дилшод ИСРОЙЛОВ,
журналист**

Маънавият

ҚАЛБЛАРДА МАНГУ

**Қушдай учиб кучоғинда дунё кездим
Кезиб-кезиб тогларим соғинч бўлди.
Қанча олис кетсам шунча қадринг сездим
Қайда юрсам ёди меҳринг овуңч бўлди.
Айланайин қора қошу кўзингдан-а,
Ўзингдан қўймасин халқим, ўзингдан-а.**

**Ушбу ўтли сатрларни биттан
Ўзбекистон халқ шоири Мухаммад
Юсуф юрт муҳаббатини, Ватан
қадрини ҳеч кимга ўхшамаган
мисраларда таърифлаган. Ўзининг
жонбахш, содда сатрлари билан злу
юртнинг қадду бастини юксак, муносиб
сўз билан кўрсата олиш ҳақма
шоирларга ҳам насиб этавермайди.**

Президентимизнинг «Ўзбекистон халқ шоири Мухаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигини нишонлаш тўғрисида» ги Қарори мамлакатимизда адабиётга катта эътибор қаратилаётганининг бир исботи бўлди. Айни пайтда жойларда шу муносабат билан шоир ҳаёти ва ижодига бағишланган тадбирлар, маънавий-маърифий йўналишдаги давра суҳбатлари ва ижодий кечалар уюштирилмоқда.

Тошкент темир йўл муҳандислари ҳамда Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти минтақавий ташкилоти ҳамкорлигида ўтказилган «Ватан қуйчиси мангу қалбларда» мавзусидаги тадбир ҳам Мухаммад Юсуф ҳаёти ва ижодига бағишланди.

Тадбирда Тошкент темир йўл муҳандислари институти маънавий-маърифий ишлар бўйича директор Ботир Зокиров, Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти раиси Раъно Рустамбековалар сўзга чиқиб шоир ҳаёти ва ижоди, шеърларининг тарбиявий аҳамияти ҳақида тўхталиб ўтдилар.

Шоир Шарофиддин Болтабоев эса, Мухаммад Юсуф қаламига мансуб «Осмонга бўй чўзган оқтерак ўлкам» ёки «Ўзбекистон жоним тўшай соянгга», «Римни алишмасман бедапонягга» каби шеърларидан парчалар ўқиб, уларнинг мазмун-моҳиятига тўхталиб ўтди.

Тошкент темир йўл муҳандислари институти талабалари Ҳамза Ибрагимов ва Олимжон Исмоиловлар шоир хотирасига бағишлаб ёзган ҳамда «Онаизор» деб номланган ижод намуналарини ўқиб бердилар.

Тадбир давомида шоирнинг ҳаётлик даврида видеотасмага туширилган ҳужжатли фильмлардан лавҳалар кўрсатилди.

Дарҳақиқат, Мухаммад Юсуф ўз халқининг юрагидан жой олган, эл ҳурмати ва олқишига сазовор бўлган шоир бўлиб, унинг ўлмас шеърлари асрлар оша ўзбек адабиётининг ёрқин намуналари бўлиб қолаверади.

Гулчехра ДУРДИЕВА

ШОИР ИЖОДИГА БАҒИШЛАНДИ

**Сўзиди сеҳр, дилди меҳр бўлган
Ижодкор Мухаммад Юсуф ижодига
бағишлаб Мирзо Улуғбек номидаги
Ўзбекистон Миллий университетиди
ўтказилган тадбирди талабалар,
ўқитувчилар, шоирлар, адиблар,
адабиётшунос олимлар иштирок
этишди.**

Тадбир қатнашчилари Мухаммад Юсуфнинг ҳаёти ҳамда ижодий фаолиятига назар ташлар эканлар, ўзига ҳос равон, халқчил ёзилган шеърлари халқ мулки сифатида барча ватандошларнинг, адабиёт, шеъринат ихлосмандларининг қалбидан мустаҳкам ўрин эгаллаганлигини яна бир қарра таъкидлашди.

Яқунда шоир ижодий меросини тадқиқ этишда адабиётшунослар олдида турган долзарб вазифалар ҳам белгилаб олинди.

(Ўз мухбиримиз)

Тиббиёт

СОҒЛОМ БОЛА — КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

**Айни кунларди пойтахтимизди
Соғлом бола йили муносабати билан
маҳаллий шифокорлар ҳамда
Жанубий Кореядан келган
мутахассислар иштирокида шаҳримиз
аҳолиси, хусусан, оналар ва болалар,
туғиш ёшидаги аёллар, кам
таъминланган оилалар аъзолари,
қариялар чуқурлаштирилган тиббий
кўрикдан ўтказилмоқда.**

Мамлакатимизда оналик ва болаликни кенг муҳофаза қилиш, келажакимиз ворисларининг соғлом ва бақувват бўлиб воёга етишларини таъминлаш мақсадиди уюштирилаётган бундай тиббий кўрикнинг навбатдагиси Олмазор туманидаги 24-Меҳрибонлик уйиди бўлиб ўтди. Унда шифокорлар кўз хасталигига қалинган, юрак қон-томир касалликлари ҳамда асаб хасталиклари билан огриган болажонларга аниқ ташхислар қўйишди ва уларни тўғри даволаш усулларини муҳокама этишди.

Бу каби хайрли тадбир ҳар бир Меҳрибонлик уйларида уюштирилиши режалаштирилган.

Анвар ЙўЛЧИЕВ

